

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, "Оила ва жамият" газетасига обуна давом этаётганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз, деган умиддамиз.


Обуна индекси – 176

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Оила ва жамият

46 (1301)-сон 16 ноябрь 2016 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган



ИСТЕЪДОДЛИ ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти кўллаб ёш истеъдод эгаларини юзага чиқариш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур нуфузли Давлат мукофоти таъсис этилгандан буён 17 на-

фар андижонлик қиз Зулфияхоним издоши деган юксак эътирофга сазовор бўлди.

Танловнинг Андижон вилояти босқичида адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишларида 200 га яқин иштирокчи ўз истеъдод ва маҳоратини намоён этди. Ҳар бир йўналиш бўйича ғолиб деб топилганлар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Фахриддин Убайдуллаев, Зухриддин Умурзоқов (сурат), ЎзА

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга асосан, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади.

3-бетда

AGROMIR JUSS:



– Корхонамизга илғор технологиялар ўрнатилган, – дейди "Agromir Juss" масъулияти чекланган жамияти директори Носир Қўзиёв. – Бу эса 20 турдан ортиқ мевадан 16 хил шарбат, нектарлар ва бошқа консерва маҳсулотларини қадоқлашда кўл келмоқда. Жорий йилда қарийб 2260 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқариб, Хитой, Қозоғистон, Россияга экспорт қилдик. Олдимизга кўйган асосий мақсадимиз аввало, мамлакатимизда етиштирилган маҳсулотни сифатли сақлаш ва ички бозорларимизга узлуксиз етказиб беришдан иборат.

4-бетда

КУЙИБ КЕТ(АЁТ)ГАН “КАПАЛАК УМРИ”

ёхуд “эрта”га айланаётган “индин”лар..., “кеча”га айланаётган “бугун”лар хусусида

“Иш кўп. Вақт йўқ!” Беихтиёр оғзингиздан чиқиб кетади бу жумлалар.

Топшириқлар, режалар, муаммолар, вазифалар, турмуш, рўзгор ташвишлари... Гўё бўғзимизгача кўмилиб кетганмиз. Эрта тондан қай бирдан бошлашни билмаймиз.

5-бетда

НАДОМАТИ МАҚТУБЛАР

Handwritten text from a letter or document.

6-бетда

ОНА КЎНГЛИ



8-бетда

ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир Тошкент вилояти Марказий банк бошқармаси, вилоят Савдо-саноат палатаси, вилоят Давлат Солиқ бошқармаси, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда кичик бизнес субъектлари вакиллари, тижорат банклари ходимлари, тадбиркор аёллар, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик борасидаги интилиш ва ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани иқтисодийётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини эътироф этди. Таъкидланганидек, бугун вилоятда 8 минг 200 нафардан ортиқ хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Форумда тадбиркорлик фаолиятини

бошламоқчи бўлган ёшлар бизнес-режа тузиш, корхонани рўйхатдан ўтказиш, экспорт-импорт операциялари, божхона, солиқ тизимлари билан ишлаш борасидаги саволларига мутахассислардан атрофлича жавоб олди.

– Бундай форум ва семинарларда биз тадбиркор аёллар керакли маълумотларга эга бўламиз, – дейди Қибрай шаҳарчасида истиқомат қилувчи яқка тартибдаги тадбиркор Нодира Маннопова. – Аини пайтда беш нафар ишчи билан аёллар учун мавсумий кийим-кечаклар тикамиз. Эндиликда фаолиятимизни кенгайтириш, экспорт-бол маҳсулотлар ишлаб чиқариш ниятидамиз. Бугунги форум шу жиҳатдан фойдали бўлди.

Тадбир доирасида вилоятдаги тадбиркор аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

У. АДИЗОВА,

"Оила ва жамият" мухбири

ЭРТАМИЗ ЭГАПАРИ СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА

Бемор болалар ҳамда кам таъминланган оила фарзандларига амалий кўмак бериш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида "Соғлом авлод учун" фондининг ташаббуси билан қандли диабет билан касалланган бемор болалар учун хайрия акцияси ташкил этилди.

Ушбу тадбирда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи қандли диабет хасталиги билан оғриган 20 нафарга яқин бемор болага инсулин шприцлар, витаминлар, санитария-гигиена воситалари, оёқ-кийимлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Акцияда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва Эндокринология диспансери мутахассислари иштирок этди.

– 1991 йилдан бери "инсулин" моддасининг кашфиётчиси Фредерик Бантинг таваллуд топган сана (14 ноябр) "Халқаро қандли диабетга қарши кураш кун" сифатида нишонланади. Ҳозир Пойтахтимизда 300 нафарга яқин ўсимир қандли диабет касаллиги билан рўйхатдан ўтган, – дейди "Соғлом авлод учун" халқаро фонди матбуот хизмати бошлиги Аббос Эргашев. – Гарчи қандли диабет касаллиги

бугун ҳам тўлиқ даволанмасида, "инсулин" моддаси ёрдамида бу касалликни назоратда ушлаб туриш мумкин. Бу кашфиёт миллионлаб инсонларнинг ҳаётини асраб қолишга имкон яратди.

– Бугун жуда маънунмиз. Болаларимизнинг кўзларидаги қувонч ва уларга қаратаилаётган эътиборни кўриб, улардан ҳам кўра биз оналар кўпроқ хурсанд бўлдик. Бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса, нур устига нур бўларди. Бу касаллик билан курашиш нафақат болаларга, балки катта ёшдаги инсонлар учун ҳам қийин, аммо биз фарзандларимизга далда бўлиб, доимо уларга эътибор қаратишимиз лозим, – дейди Гулноза Арифжоновна.

И.СИДДИҚОВ,

"Оила ва жамият" мухбири



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 4 февралдаги 2014-2016 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб


чиқариш бирлашмасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тўрт мингга яқин ишчи-муҳандис меҳнат қилаётган корхонада тайёрланаётган станок, турли деталлар, сув насослари каби маҳсулотларга талаб тобора ортмоқда. Меҳнат жамоасининг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

Сирож Аслонов (сурат), ЎЗА

ПАН ГИ МУН: ЖАҲОНДА 420 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД КИШИ ДИАБЕТ КАСАЛИГА ЧАЛИНГАН

Жаҳонда 420 миллиондан зиёд киши диабет касали билан оғримоқда. "422 млн. одам диабет хасталигига чалинган. Ушбу касаллик умри кискартиради ва унга жиддий эътибор берилмаса, жиддий аломатларга, хусусан, юрак хуружига олиб келади. У оилавий бюджет ҳамда мамлакат иқтисодиётига ҳам жиддий зарар етказиши", – деди БМТ бош котиби Пан Ги Мун. – Диабет ҳар йили кенг тарқалаётган касалликлар сирасига киради. Бунга одамларнинг кексайиши ва семириши муаммолари сабаб бўлмоқда". БМТ Бош котиби таъкидлаганидек, сўнгги 35 йил ичида ушбу касаллик билан оғриганлар сони кескин ортиб кетган. Бу ҳолат айниқса, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда қайд этилмоқда. БМТ маъмурий бошлигининг маълум қилишича, аини кунда диабет сўқирлик ва кўриш ҳолатининг заифлашу-вини келтириб чиқармоқда. "Одамлар ўзларидаги касалликни кўриш даражаси пастлашганидан кейин билишмоқда, аммо бу ҳолатда уни қайта тиклашга жуда кеч", – деди БМТ Бош котиби.



ОНА ЮРТНИНГ ҚАДРДОН ОҲАНГЛАРИ

Пойтахтимизда бошланган "Она юрт оҳанглари" II халқаро мусиқа танлови миллий мусиқа меросимизни халқаро миқёсда тарғиб этишдек эзгу мақсадларни кўзлаган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловда мамлакатимиз, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа давлатларнинг ёш мусиқачилари иштирок этмоқда.

2008 йилда соҳага оид қабул қилинган давлат дастурига мувофиқ мамлакатимизда мусиқа таълимини тубдан ислоҳ этиш, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, маъжуд мактабларни тубдан таъмирлаш юзасидан тизимли, кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда юртимизнинг энг чамка қишлоқларида ҳам барпо этилган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳудудлар кўржиги



кўрк қўшмоқда. Соҳадаги ислохотлар натижасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг салоҳияти юксалиб, ўқитувчилар таркиби, мактабга қатновчи болалар сафи сезиларли даражада ортди.

Биринчи Президентимиз Исроил Каримовнинг 2015 йил 20 ноябрдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим

ҳуқуқий пойдевор яратди. Унга кўра болалар мусиқа ва санъат мактаблари педагогларининг меҳнатини рағбатлантириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан юксалтириш, санъат мактабига қатновчи болалар учун кенг имкониятлар яратиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

"Она юрт оҳанглари" халқаро танловида мамлакатимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат ва маданият йўналишидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда хорижий мамлакатлар таълим масканларининг ўқувчилари иштирок этмоқда.

Ушбу танлов ёшларимиз миллий ва дунё бастакорларининг энг яхши асарларидан баҳраманд бўлишида, мусиқа маданиятимизни юксалтириш, санъатимизни дунё сахналарига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва улар ижодини тарғиб этишдек мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятлидир.

Халқаро танлов мусиқа ва санъат таълим муассасалари бадий жамоалари иштирокидаги катта концерт дастури билан бошланди.

Назokat Усмонова,

uza.uz сайтдан олинди.

Ёнимиздаги одам

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ ФАЛСАФАСИ

Ёрқиной болалигидаёқ ўз келажагини қатъий белгилаб бўлган эди. Тўғри, кичкина қизалоқлар “доктор-доктор” ўйнашни, қўғирчоқларини “даволаш”ни яхши кўради. “Катта бўлганимда ким бўласан?”, деган саволга иқтиланмай “Доктор бўламан”, деб жавоб беради. Бироқ Ёрқинойнинг танловига бошқа нарса сабаб бўлмади.

Онаси Бибимарям опага эргашиб унинг ишонасига борганида, дардан фориг бўлган кишилар кўзидеги қувончни кўрганидаёқ, эл меҳрини қозонган волидасини эл алқаганида танлаган эди, бу касбни. Мактабни аъло баҳоларга битирган Ёрқинойга ўша йили олий ўқув юрти талабаси бўлиш насиб этмади. Аммо у ўқимади. Анчагина аҳволи оғирлашиб қолган 86 ёшли момосига қараши кераклигини, уни ташлаб олисларга кета олмаслигини ҳис қилди.

Ёрқиной момосининг ёнидан бир қарич ҳам жилмай доим унинг хизматида бўлди. Момо Ёрқинойни дуо қилар, оқ йўл тиларди. Мана шу дуолар сабаб кейинги йили Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ўқишга кирди. Институти муваффақиятли тамомлаб, ўзининг Хўжайли туманига шифокор бўлиб қайтди.

Талабалик давридаёқ ўқиш, изланишдан тўхтамади. Таътилга келганида устози Йўлдош ака Абдурахмоновдан иш ўрганар, билмаганларини сўрарди. Устоз шифокор ҳам талаба қизнинг интилувчан, чаққон ва билимли эканидан қувониб, унга маслаҳат беришдан, ўргатишдан чарчамасди. Бир куни Йўлдош ака энг эзгу тилаклар тилаб, Ёрқинойга янги фонендоскоп совға қилди. Бу табаррук, азиз совгани

Ёрқиной ҳамон кўз қорачигидай асраб келади.

Ёрқинойга Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Ширин Каримова катта эътибор берди. Уни Хўжайли тумани “Водник” шаҳар шифохонасига бош шифокор қилиб тайинламоқчилиги тўғрисида гапирганда Ёрқиной хавтирга тушди. Турмуш ўртоғи Ўрозбой билан маслаҳатлашганда у ҳам Ёрқинойни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлади. У ишонччи оқлади.

Ширин Каримова кадр танлашда адашмаганидан қувонди. Иккала ҳамкасб биргаликда ҳамжихат иш юритгач, Ёрқиной раҳбарлик қилган шифохона кўрсаткичлари тез орада ижобий томонга ўзгарди.

Ёрқиной тинимсиз меҳнати эвазига Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Шундай мақсадли ўз вақтидаги тадбирлар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Ёрқиной устози Ширин опанинг маслаҳатларига хануз суянади.

Ёрқиной оиласида ҳам ширин сўз ва меҳрибон уй бекаси. Турмуш ўртоғи Ўрозбой тадбиркор. Катта қизи Мавлудани ширин орзу ҳаваслар билан узатиб, 2 нафар неварали бўлишди. Мавланберган қишлоқ хўжалик коллежини тамомлаб, отасига ёрдамчи бўлди, оилани, 2 нафар фарзанди бор. Келини Севара ҳамшира.

... Ёрқиной ўқиб-ўрганишдан ҳеч қачон тўхтамади. Тиниб-тинчимас шифокорнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан “2-даражали Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланди.

Зулайхо БЕКМУРАТОВА



ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

(Давоми. Бош 1-бетда)

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, шифокорлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Касаба уюшмалари федерация кенгаши раиси Т.Норбоева, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Л.Лазери ва бошқалар Ўзбекистонда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечирishiни таъминлашда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида тиббиёт тизимининг моддий-техник салоҳиятини янада юксалтириш билан боғлиқ ишлар тобора кенгаймоқда.

Жамиятимиздаги тиббий-ижтимоий ислохотлар жараёнида эл саломатли-

гини асраш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари – шифокор ва ҳамширалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт ходимларининг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш бора-сида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тиббиёт муассасалари, хусусан, оналик ва болаликни муҳофазалашга ихтисослашган шифохоналар, санитария-эпидемиология назорати марказлари, шифокорлар ва ҳамширалар ўртасида ўтказилаётган турли танловлар шулар жумласидан.

Тадбирда ушбу танловларнинг голиблари эълон қилинди. Сирдарё вилояти Янгийер шаҳар тиббиёт бирлашмаси танловнинг оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича энг яхши тиббиёт муассасаси номинацияси совриндорлари сафидан ўрин олди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Баҳор ХИДИРОВА

МУВАФФАҚИЯТ ОРТИДА МЕҲНАТ БОР



Таълим

шаҳар босқичида кимё хонаси 1-ўринни, физика хонаси 3-ўринни, вилоят босқичида кимё фан хонаси 3-ўринни эгаллади.

“Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шаҳноза Норалиева, ҳуқуқ фани ўқитувчиси Асқад Рустамов вилоят босқичида иштирок этиб, 4-ўринни эгаллашди. “Энг обод таълим муассасаси” танловининг вилоят босқичида фахрлий 3-ўринни қўлга киритди ва Халқ таълими вазирининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мактабда “Таълим муассасаси—оила—маҳалла” ҳамкорлиги йўналишидаги ишлар тўғри йўлга қўйилган, вояга етмаганлар билан ишлаш талаб даражасида ташкил этилган. Шунингдек, моддий техника базани яхшилаш ва сақлаш, таълим-тарбия йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш, ўқувчилар билим даражасининг Давлат таълим стандарти даражасида бўлишига эришиш асосий мақсад қилиб олинган.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Ангрен шаҳридаги 43-мактабга салкам чорак асрдирки, Гулнора Карабаева раҳбарлик қилиб келади. Гулнора опанинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган: у “Шуҳрат” медали соҳибаси, Халқ таълими аълочилиги.

— Мактабимизда 1045 нафар ўқувчи тахсил олади. Уларга 53 нафар ўқитувчи сабоқ беради. Олий тоифали ўқитувчиларимиздан Гулнора Сатторова ва Фотима Турдие-

ванинг илғор иш тажрибалари шаҳар ва вилоят миқёсида оммалаштирилган, — дейди биз билан суҳбатда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Тожинисо Алибаева.

— “Баркамол авлод” болалар ижодий фестивалининг вилоят босқичида “Ёғоч ўймакорлиги” йўналишида ўқувчимиз Умиджон Шуқурбоев 1-ўринни, мамлакат босқичида эса 3-ўринни эгаллади, — дейди фахрлиниб шу даргоҳда 30 йилдан буён меҳнат фанидан сабоқ бериб келаётган Курбон Дадажонов.

Мактабда “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Президент асарлари билимдони” ва “Билимлар беллашуви” каби кўрик-танловлар тез-тез ўтказиб

турилади. Мазкур танловларнинг шаҳар босқичида 30 нафар ўқувчи иштирок этиб, уларнинг 13 нафари фахрлий ўринларни қўлга киритди. География фанидан 6-синф ўқувчиси Нафиса Беркишева, она тили фанидан 5-синф ўқувчиси Жасмина Абдурасуллова фахрлий 1-ўринни қўлга киритиб вилоят босқичига йўлланма олишди. Бунда албатта, уларнинг устозлари Шоира Йўлдошова, Зоҳида Ражабова, Гулбара Сатторова, Назира Бойназарованинг ҳиссаси каттадир.

Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Дилфуза Зокирова доимо ўқиш ва ўқитишни назорат қилиб боради. Билим пойдеворини мустаҳкам қўйиш учун

бошланғич синф ўқитувчилари Барно Норалиева, Гулчеҳра Бойирова, Шахло Очилова, Раъно Анорбоева, Анаора Аббосова, Қимматой Карабаева, Санам Мирзааҳмедова, инглиз тили устозлари Гулноза Мирзабоева, Гуллола Холбоева фидойилик билан ўқувчиларга билим беришмоқда.

Болаларни соғломлаштириш, уларни чиниктириб бориш, спорт мусобақаларига жалб қилаётган жисмоний тарбия ўқитувчилари Фарҳод Абдуллаев ва Гулноза Баҳодировани ҳам тилга олиб ўтиш жоиздир. Мактабда бешта спорт тўғараги мунтазам ишлаб турибди.

“Энг яхши кимё, биология, физика фан кабинет мудири” кўрик-танловининг

AGROMIR JUSS: ДУНЁ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали sanoat улушини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биринчи Президентимизнинг республика озиқ-овқат sanoati соҳасини бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирларига доир қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.



Самарқанд вилояти Самарқанд "Agromir Juss" масъулияти чекланган жамиятида бўлганимизда соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасига яна бир бор амин бўлдик.

Мазкур корхона 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, заминимизда пишиб етилган мевалардан турли хил шарбат ва нектарлар, концентрат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бир кунда 200 тонна ҳосилни қайта ишлаш қувватига эга корхонада айни пайтда 320 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ўзимизнинг ички бозорни таъминлаётган бўлса, 20 фоизи экспорт қилинмоқда.

– Корхонамизга илгор технологиялар ўрнатилган, – дейди "Agromir Juss" масъулияти чекланган жамияти директори Носир Қўзиёв. – Бу эса 20 турдан ортиқ мевадан 16 хил шарбат, нектарлар ва бошқа консерва маҳсулотларини қадоқлашда қўл келмоқда. Жорий йилда қарийб 2260 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқариб, Хитой, Қозоғистон, Россияга экспорт қилдик. Олдимизга қўйган асосий мақсадимиз аввало, мамлакатимизда етиштирилган маҳсулотни сифатли сақлаш ва ички бозорларимизга узлуксиз етказиб беришдан иборат. Утган йили 500 тонна сифимга эга совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Бу мевалардан олинган шарбат ва нектарларни сифатли сақлаш, бозорларимизда нархнинг бир меъёрга бўлишини таъминлашда муҳим ўрин

тутади.

– Бизда ишнинг асосий қисми автоматлаштирилган тизимда бажарилади, – дейди шарбат ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Шухрат Оқилов. – Ишчиларимиз бажарган иш ҳажми ва тўплаган тажрибасига қараб рағбатлантириб борилади.

– Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, экспорт ҳажмини йилдан-йилга ошираётган шундай йирик корхоналарнинг туманимизда фаолият юритаётгани хонадонларимизга файз-баракат улашмоқда, – дейди Самарқанд тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мадина Баротова. – Сабаби, юзлаб ёшларимиз касб-ҳунар коллежини битириб, ишли бўлишмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлашда бундай sanoat корхоналаридан ташқари, тадбиркорлик субъектлари, кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг ҳам муносиб ўрни бор. Ўзларининг ташаббускор ғоялари билан янги-янги иш ўринлари яратётган тадбиркор ва фермер аёлларимиз фаолиятини алоҳида эътироф этиш жоиз.

– Опанинг гапида жон бор, – дея суҳбатимизга қўшилади Қози ариқ маҳалласида истиқомат қилаётган

тадбиркор Сарвиноз Юлдашева. – Дастлаб мўъжазгина озиқ-овқат дўкони очган эдик. Турмуш ўртоғим билан муштни бир жойга уриб меҳнат қилдик. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлди. Энди дўконни кенгайтириб, ёнидан гўзаллик салони очиш мақсадим. Агар ушбу режаларимиз амалга ошса, яна учта янги иш ўрни яратилади.

Ўртимизда мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган

тиёзлар уларни янада узоқни кўзлаб иш юритишга рағбатлантирмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Хулкар Бадалова ташаббуси билан сув чиқиши қийин бўлган адирликларга насос ўрнатилди. Бир неча йиллардан бери хўжалик аъзоларини қийнаб келаётган муаммо барҳам топди. Энди навбат етиштирилган шириндан шакар меваларни қайта ишлаш, қуришти ишлари соҳибкорнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.



– Келгуси йилдан эски боғимизнинг бир қисмида интенсив боғ барпо қилишни режалаштирганмиз, – дейди фермер Хулкар Бадалова. – Кўчатларни янги технология асосида озиқлантириш, томчилатиб суғоришни йўлга қўйиш мақсадида керакли ускуналарни харид қилиш ҳаракатида юрибмиз. Баҳор келиши билан уларни мутахассислар ёрдамида ўрнатамиз. Бунинг учун етарли шароитни кўряпмиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бугун барча кўп тармоқли фермер хўжалиқларида бўлган киши жамонинг ўз техникалари борлигини, боғ ичига ишлов беришда, бегона ўт, турли касалликлар ва зараркуанда ҳашаротларга қарши курашда асқотадиган бошқа техника воситалари бисёр эканига гувоҳ бўлади. Бундай хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлашга шай жамоа аъзоларидан Сувон Қорабоев, Санжар Холмахматов, Неъмат Шербоев – тажрибали боғбонлардир: Улар кўчатларни пайвандлашдан тортиб, то меваларни йиғиб, териб олиш ишларигача фермерга мададор.

Соҳибкор фермернинг ниятлари улкан. Боғ қошида замонавий иссиқхона ташкил қилиш, чорвалчилик ва паррандачиликни ривожлантиришдан ташқари, тикувчилик цехини очиб – унинг келгусидаги режаси. Бу ният тез орада рўёбга чиқса, яна 20 нафар маҳалланинг хотин-қизлари иш билан таъминланади, шунча оиланинг фаровонлиги ошади.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири



Мулоҳаза

КУЙИБ КЕТ(АЁТ)ГАН “КАПАЛАК УМРИ”

ёхуд “эрта”га айланаётган “индин”лар...,
“кеча”га айланаётган “бугун”лар хусусида

“Иш кўп. Вақт йўқ!” Беихтиёр оғзингиздан чиқиб кетади бу жумлалар.

Топшириқлар, режалар, муаммолар, вазифалар, турмуш, рўзгор ташвишлари... Гўё бўғзимизгача кўмилиб кетганмиз. Эрта тондан қай биридан бош-лашни билмаймиз.

Яқин дўстимиз касалхонага тушибди. Одамгарчилик. Йўқлаш керак. Бемор одам интиқ бўлади. Аммо...

Узоқ қариндошимиз вафот этибди. Элчилик. Таъзияхонада бир кўриниб келмасак бўлмайди. Лекин... Вақт йўқ.

Кўшимиз тўй қилаяпти. “Хизмат-пизмат”и бордир. Қўли қисқароқ эди. Тўйнинг ўзи бўлмайди. Кўздек ҳамсоя, ёнбошида тиргак бўлиб туриш керак. Бироқ...

Болаларимиз эрталаб олма егимиз келаяпти, деб хархаша қилишувди. Бозорга боришга вақт борми?

-Инсон аввало ўз-ўзини тафтиш қилишни, ўз-ўзига ҳисоб беришни ўрганиши керак.

“Кун бўйи нима қилдим?”

“Ежедневник” деган нарса бор, биласиз. Саҳифаларида саналари, ҳатто соатларигача кўйилган. Баъзиларида “Ким билан учрашиш керак?”, “Кимга кўнгирак қилиш керак?”, “Кимни табриклаг керак?” сингари алоҳида ажратилган “графа”ларигача бўлади. Шундан сиз қандай фойдаланасиз? Бир йўғилишда эйтибор қилиб қарасам, уч-тўртта нуфузли ташкилотлар раҳбарлари дафтларларининг 2016 йил ...март, ... июнь, ... деган саналар турган саҳифаларга йўғилишда айtilган муҳим вазифаларни ёзиб ўтиришибди. Аниқ биламан, ўша раҳбарлар ўша дафтларларини кейинги мажлисгача очиб ҳам қарашмайди. Ахир ўз иш кунини, фаолиятини режалай олмайдиган, пала-партиш раҳбарнинг идорасида қанақасига тартиб, интизом, масъулият, ишида унум ва ривож бўлсин?! Гапларим сизга икки-чирки, майда-чўйдадек туюлаётгандир-а?!

Бир танишим Францияда малака ошириб қайти. Айтишича, ўқувга кириш олдида ишқувчилари “Ўтган ҳафтадаги бажарган ишларингизни ҳар кун, ҳар соатга бўлиб, ҳисобот ёзиб

қадрлаганликлари, вақтга тобе бўлмасдан, унинг устидан ҳукмронлик ўрната олганликлари учун шу даражага эришганликларини эътироф этадилар. Халқимиз ҳам бу борада зап топиб айтган: – “Вақтинг кетди – нақдинг кетди”.

Психологияга бағишланган бир рисолада ўқиганим бор: “Кечадан ва эртдан ажратиб олинган бугунинг билан яш!” Бу ақида аввалига анча эриш туюлди менга. Ахир, барчамизни кечаги кунни, ўтмишни, хотирани эъзозлашга, эртанги кунни ўйлаб иш қилишга ўргатишган. Аммо ўйлаб қарасам, бу гапда жон бордек. Негаки бугунини қандай тасарруф этишни билганим инсоннинг ўтмиши ҳам, келажаги ҳам мавҳум бўлади. Чунки кўз очиб юмганимизча индин - эртага, эрта - бугунга, бугун - кечага айланаверади. Ота-бобомиз бир нарсани билиб айтган: “Бугунги ишни эртага қўйма!”

– Мен бир нарсани ўйлаб қолдим, – фикрини давом эттиради ҳамкасбим. – Иш кўп, деб биз биринчи навбатда ўзимизни алдаймиз. Менимча, ҳар бир кишининг қаида ҳафталик иш режаси бўлиши шарт. Кундалиқнинг тегишли санаси ёзилган саҳифасидаги соатлар қаршига бирор нарса ёзишдан олдин “Худди шу соатда мен нима иш қилдим?” деб ўйлаб олиш зарур. Ана шунда мен нималарни ўйлаяпман, нималарни режа қилаяпман, нима иш қилаяпман, қандай оқватланапман, қандай дам олаяпман... -хуллас ҚАНДАЙ ЯШАЯП-МАН деган савол бера бошлайсиз ўзингизга.

Совурилайётган олтинлар

...Ҳамкасбимнинг фикрларини эшитиб ўйланб қолдим. Хаёлимга дафтларини шоиримиз Фафур Гуломнинг “Вақт” шеърисида куйидаги шох сатрлар келди:

Гунча очилгунча
ўтган фурсатни
Капалак умрига
қибс қилулик...

Афсуски, биз (айримларимиз) неча юзлаб “капалак умри”ни арзимаман, майда-чўйда ишларга кўмилиб, ўралшиб ўтказиб юбораверамиз.

Капалак-ку, бир неча соатлик умрида боғингизга, гулзорингизга зеб беради, кўнглингизга, шуурингизга завқ ҳада этади. Бир капалакчилик ҳам ҳимматимиз, журъатимиз йўқми? Нега вақтнинг уюлидан қўрқмаймиз? Олтинга тенг сонияларимизни, дақиқаларимизни нега беҳудага совураверамиз? Ахир, ҳаёт – инсонга бахш этилган энг улуғ неъмат эмасми? Ҳайф кетган ҳар бир дақиқада ўзимиз учун, ишхонамиз учун, дўстларимиз учун, яқинларимиз учун, оиламиз - рўзгоримиз учун, маҳалламиз учун, эл-юртимиз учун, Ватанимиз учун қанча иш қилишимиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрганмизми?

Э-э уэр, қаердаги гаплар билан вақтингизни олаяпман-а? Ахир сизда “Вақт йўқ, иш кўп-ку!”. Лекин вақт топганларга ҳафсалангиз учун раҳмат, деймиз. Ҳар ҳолда “эски пластинка”дек туюлган битикларимизни ўқишга вақт топдингиз. Ахир Сиз ишли одамсиз. Вақтингиз ўлчовли. Аммо бир ўзингизга ҳисоб бериб кўринг-а. Навбатдаги дақиқангизни нимага сарфламоқчисиз?

Нуриддин ЭГАМОВ



Ишхона-да бир киши учинчи марта мурожаатининг натижасини сўраб келди. Нима бўпти? Ундан бошқа ташвишимиз йўқми? Мажлисга бориш керак. Режа тузиш керак. Ўзи эрталабдан янги топшириқ олдик. Ҳали кечасининг чаласи турибди.

Хуллас вақт йўқ. Иш кўп... Нима қилиш керак?

Шошамиз. Ҳовлиқамиз. Ҳаммасига улгуриш керак. Ҳаёт эса ана шу залда давом этаверади. Ана шу тарзда кунимизни ўлдириб бораверамиз. Биз йўқлагунимизча дўстимиз соғайиб, касалхонадан чиқиб кетади. Фотиҳа қаримайди, қариндошининг “қирқ”ига борамиз-да, деб овутиб қўямиз ўзимизни. Тўй тарқаганидан сўнг кўнишибгина кириб борамиз кўшникига... “Уэр, иш чиқиб қолди...” Ишдаги топшириқ ҳам барибир эртага қолади. Шукрки, Худонинг “эрта”си кўп.

– Биз кунимизни аниқ режалай олмаганимиз учун шу кўйга тушиб қоламиз, - деб қолди бир ҳамкасбим.



беринг, ўқувни шунга қараб ташкил қиламиз”, – дейишибди. “Ишонсизми, ёзаман десам, “пичоққа илашадиган” бирор иш қилмабман, - дейди танишим. -Бир кунни соатларга бўлиб, нима иш қилганимни ёзиб чиқаман десам, арзийдиган ҳеч иш қилмабман. – Ҳайронман, бўлмаса кун бўйи қогозга кўмилиб, дам олишга ҳам вақт тополмайман...”

“Бугун билан яша...”

Ривожланган мамлакатларда вақтга пул сифатида қарашади. Дунё бойваччалари ҳаёти ва фаолиятига назар ташласангиз, сонияларни-да нечоғлик

КУЗНИНГ УНУТИЛМАС МОДА ОЛАМИ

...Сокин куй янгради. Кўркам либосларда кириб келган болакайларни иштирокчилар олқишлади...

Пойтахтимиздаги «Зағрауна» миллий санъат марказида “Олтин куз – 2016” кузги-қишки либослар намоиши мана шундай байрамона кайфиятда ўтди.

Тошкент шаҳридаги Ҳаваскор моделлар ва тикувчилар уюшмаси томонидан “Begim parfum gallery”, “7-Studio”, “Век мега textile” каби компаниялар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга либослар мода ва дизайни соҳасидаги мутахассислар, талаба-ёшлар, коллеж ўқувчилари, мода иҳлосмандлари тақлиф этилди.

Кўрғазмада болалар ва ўсмирларга ҳамда аёлларга мўлжалланган замонавий тенденция ва миллий анъаналаримизни ўзида мужассам этган рангбаранг ва бежирим либослар тўплами

кенг омма эътиборига ҳавола этилди.

Кўрғазманинг «Baby Style» ва «Миллий кўйлақлар» йуналишларида Камалиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ва ёш дизайнерларнинг либослар тўплами намоиш этилди. Ёш иқтидор эгаларининг муаллифлик тўпламлари мутахассис ҳамда томошабинларда катта таассурот қолдирди. Улар тақдим этган либослар ёрқинлиги ва услубнинг нозиклиги билан ажралиб турди.

– Модалар кўрғазмасида биринчи марта иштирок этмоқдаман, – дейди Нарғиза Алихонова. – Биз тақлиф этаётган либослар кийиш учун иҳчамлиги, табиий газламалардан тикилганлиги билан иштирокчилар эътиборини тортди. Бугунги кўрғазмада болалар модасига оид сўнги маълумот ва янгиликлар, соҳада эришилган ютуқлар билан танишдим, етук дизайнерлар



маслаҳатидан баҳраманд бўлдим.

Тадбирда болалар, аёллар ва эркаклар учун мўлжалланган «pret-a-porte», «haute couture» ва «mass market» тўпламлари ҳамда миллий услубдаги либослар ҳам намоиш этилди. Унда Ўзбекистон ва МДҲ давлатларидан ўттиздан зиёд дизайнер ўз муаллифлик тўпламларини тақдим этди.

Кўрғазма якунида мода иҳлосмандлари ва қизиқувчиларнинг кенг аудиториясига мўлжалланган янги медиа-ойиҳа – Ўзбекистон ва жаҳон модаси ҳақидаги «Fashion Ambassador» онлайн журнали тақдимоти бўлиб ўтди. Журнал талқинига кўра «Йилнинг энг яхши дўкони», «Йилнинг энг яхши дизайнери», «Йилнинг энг яхши модели», «Йилнинг энг яхши кичик модели», «Йилнинг энг яхши янгилиги», «Йилнинг энг яхши бренди», «Миллий услуб» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Шаҳноза Маматуропова,
Отабек Мирсоатов (сурат), ЎЗА



НАДОМАТАН МАКТУБЛАР

НОМУСНИНГ БАҲОСИ

Узун бўйли, озғингина, қорачадан келган қиз эди, танийсиз.

Адолатни эсладим. Доим кулиб турадиган, одобли, хушмуомала, ақлли қиз эди.

— Нима учун қамалди?

— Ўзини ҳимоя қилиш учун холасига ойна синигини тикиб олибди. Холаси эса уни жаҳл устида қаматиб юборди.

— Йўғ-е, унақа қизга ўхшамасди-ку. Онаси-чи, қамалиб кетишига индамай қараб турдимми?

— Уринди. Аммо холаси қўймади. Охири қаматди. Мен ҳозир сизга унинг хатларини кўрсатаман, — дея у жавонни титкилаб, бир даста хатжилдларни қўлимга тутқазди.

... Эринмасдан уларни ўқиша тундирдим. Бу мактубларга қилмишидан пушаймон қизнинг охлари битилган эди. Қуйида аёллар жазони ўташ муассасасидан ёзилган хатларни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқчиман. Ким қандай хулоса чиқаради, бу унинг ўзига ҳавола.

“Салом Гулзодажон! Хатим шамолдек шошиб, кабутардек учиб қўлларингизга тушишини истаб ёзганман. Маҳалламиздаги таниш-билишларнинг барчаси соғ-саломатми? Биламан, одамлар мендан юз ўгирган, лекин сўраганларга саломимни етказиб қўйинг. Яхшиям сиз борсиз. Сиздан хат олсам кўнглим тоғдек кўтарилади. Қариндошларимга хат ёздим. Аммо жавоб бўлмади. Майли, улардан хафа эмасман. Бироқ ўйлашмасдан қилиб қўйган ишимдан жудаям пушаймонман.

...Ўшанда бизнесмен холам уйимизга келганди. Онам савдо-сотик билан шугуллангани учун мени кўп ҳолларда ёлғиз ташлаб кетарди. Буни холам ҳам биларди. Шунинг учун онамга “Бўйи етган қизни ёлғиз уйда қолдириб бўлмайди. Дўстандан кўра душман кўп. Адолатни уйимга олиб кетаман. Сен бемалол борадиган жойингизга бориб келавер. У бизникида яшасин”, дея қўярда-қўймай мени

уйига олиб кетди.

Онам Туркияга мол олиб келгани кетганида холам мени бир бойвачча кишига узатиш пайига тушди. Чунки холам ундан қарздор экан. Бир кун холам ўша одамни уйга чақириб, иккала мизни битта хонага қамаб қўйди. Мен унга ялиндим-ёлвордим. Афсус, фойдаси йўқ эди. У номусимни топтамоқчи эди. Шунинг учун дераза ойнасини синдириб қочмоқчи бўлдим. Ҳалиги киши кўрқиб кетиб, дарҳол холамни чақирди. Холам режаси барбод бўлгани учун мени аямасдан ура бошлади. Узимни ҳимоя қилиш учун синган ойна бўлагини холамнинг биқинига тикиб олдим. Холам фарёд кўтариб, милиция чақирди. Кейин суд бўлди. Бу орада онам ҳам Туркиядан қайтиб келди. Афсуски, мени қамокдан асраб қолмади.

Пешонада борини кўраркан киши. Қилган ишим учун жазоимни оляман. Бу ерда мен тенги қилар ҳам бор. Бир-биримизга дардимизни айтиб, кўнглимизни бўшатамиз. Аммо қамоқхона ҳаётига кўникишим жуда қийин кечди. Тунлари йиғлаб чиқардим. Яқинда ойижоним келиб кетди. Қанчалар хурсанд бўлганимни кўрсангиз эди.

Бу ердигиларнинг бирдан-бир орзуси — қайтиб жиноятга қўл урмаслик. Бу жойларда ўтиришни душманимга ҳам раво кўрмайман. Гоҳида осмонни тўлдириб учиб юрган қушларга қараб, ҳавасим келади. Тез орада озодликка чиқаман деб умид қиламан. Ўшанда бу қушлар ёмон бир хотирадек эсимдан чиқиб кетади. Фақат сиз, мендан юз ўгирмасангиз бўлди, Гулзодажон.

Кейинги хатимда менинг тақдиримга ўхшаш бир ҳикояни ёзиб юбораман”.

Хонбиби ҲИММАТ қизи ёзиб олди.

...Эшикни жияним Гулзода очди. Опам ишда экан. Кулиб туришлари қуйиб қўйгандек онасига ўхшайди. Ечиниб улгурмасимдан бирпасда чой тайёрлабди чаққони тушмагур.

— Қани гапир-чи энди. Нималар қилясан? Уқишларинг нима бўляпти? — дедим чой хўпларканман.

— Нима қилардим, ўқияман, хола. Бу йил университетнинг биринчи курсини тугатаман. Нигора опам магистратурани битиряпти. Айтганча, қўшимиз Феруза опа қизини узатди. Уни танирдингиз-ку. Барно опанинг коллежни тугатган қизи бозорда. Рўпарамиздаги Дилдора опанинг қизи Адолат қамалиб қолди.

— Ким у, Адолат? Мен танийманми? — дея қизиксиндим.

— Танийсиз. Тошкентдан холам келди, десам доим бизникига югуриб чиқарди, сиз билан суҳбатлашгани келади. Аммо уяларди. У ҳам сиздек журналист бўлишни орзу қиларди.

Халқимиз ҳаполлик ва тўғрилиқни, бировнинг ҳақиқа хийнат қилмаслиқни энг олий инсоний фазилатлардан бири деб билади. Айниқса, бировнинг омонатини бус-бутун унга хийнат қилмасдан қайтаршига интилади. Афсуски, бу инсонийлик фазилати биров сусаяётгандек... Орамизда Давлатмурода ўхшаганлар, бировнинг омонатга хийнат қиладиганлар кам бўлса-да, топилди.

Бугун одамлар илгаригидек почта хизматидан тезкор фойдаланиш учун алоқа бўлимларига бориб ўтирмайди. Автошоҳбекатларда ёки такси тўхтайдиган жойларда омонатингизни бир кундаёқ етказадиган ҳайдовчилар ҳозир нозир. Фақат “почта пули”ни берсангиз, бас, ўша кунёқ эгасининг қўлига тегади. Одамлар бундай қулай ва тезкор “почта”дан унумли фойдаланишмоқда.

Наманганлик Шермухаммад бетоб ўғлини шифохонага ётқизди. Дори-дармон учун пул зарур эди. Ўзидаги бор пулга дори олди. Аммо етмади. У Ангренада яшайдиган синглиси Гулнавозга сим қоқиб, ёрдам сўради. Сингли жиянининг шифохонада ётганини эшитиб, типирчилади. Дарров унга кийим-кечаклар сотиб олди. Эрталаб соат 09:35 ларда йиғиб юрган пулларини ва кийимларни битта пакетга солиб “Ангрена-Наманган” автошоҳбекатига борди. У ердан Наманган шаҳрига кетаётган киракашларни излади. Шу пайт олдида ўзини “Улуғбекман” дея таништирган аслида, исми Давлатмурод бўлган ҳайдовчи келиб, ўша атрофда турган “Нексия-2” автомашинасини кўрсатиб, унга Наманган шаҳри орқали Андижонга йўловчиларни олиб кетишини айтди.

“Аслида, бунақа пайтда ўзим

ОМОНАТГА



Жиноят ва жазо

борганим яхшироқ эди. Аммо паспортим ёнимда эмас. Шунинг учун сизга тўлиқ ишонаман. Наманган шаҳрида яшайдиган акамнинг ўғли шифохонада ётибди. Манави 500.000 сўм пул ва пакетдаги кийим-кечакларни келинойимга етказсангиз. Мана унинг телефон рақами. Етиб борган захотингиз кўнгирак қилсангиз, кутиб туради”, деди Гулнавоз.

“Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин”, дея Давлатмурод ҳам ўзининг телефон рақамини ёзиб берди. Афсуски, кечгача кўнгирак бўлмади. Тоқати-тоқ бўлган Гулнавоз яна ҳайдовчини йўқлади.

“Опажон, узр. Йўлда автоҳалокатга учрадим. Пул ва кийим-кечакларингизни бошқа шофёрдан бериб юбораман”, дея уни алдади Давлатмурод.

Соддагина аёл унинг гапларига чиппа-чин ишонди. Шермухаммад пуллар етиб келмаганини айтган, у яна кетма-кет Давлатмуродга кўнгирак қилиб, иложи борича тезроқ омонатини эгасига етказиб беришини сўради. Ҳайдовчи ваъда берди-ю,

ваъдасининг устидан чиқмади. У бу аёлдан қутулиш учун телефон рақамини ўзгартириб юборди. Берган пулларини эса кўркмасдан ўз эҳтиёжларига сарфлади.

Ноилож Гулнавоз бу ҳолат юзасидан ёрдам сўраб, Ангрена шаҳар ИИБга мурожаат қилди.

Тез орада Давлатмуроднинг найрангларига барҳам берилди. Иш судга оширилди.

Суд Давлатмурод Абдуҷамоловдан Гулнавоз Абдулазизова фойдасига 600.000 сўм моддий зарар ундирилишини лозим деб топди.

Давлатмурод Абдуҷамоловга энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Доғишмандларимиз бежизга “Олма омонат, қилма хийнат”, деб айтишмаган. Унинг ҳам ўзига яраша юки ва масъулияти бор.

**Ғолиб ЭРГАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Ангрена
шаҳар суди раиси**

Ривоят

ХИЁНАТЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Кунлардан бир кун бир киши ўралган, муҳрланган бир халтачани дўстининг хузурига келтириб:

— Дўстим, мен сафарга чиқиб кетаётиман, ичиди минг олтин бўлган шу халтачани сенга омонат топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнғ оламан, — деб халтачани топширди ва ўша кун сафарга чиқиб кетди. Сафарни узоқ вақтга чўзилди.

Дўсти омонатга хийнат қилиб, халтачанинг бир томонини сўқди, олтинларни олиб, мис тангалар билан тўлғизди, сўқилган жойини ҳеч билинмайдиган қилиб тикиб қўйди. Орадан ўн йил ўтгандан кейин омонат эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўйган омонатини сўради. Дўсти халтачани чиқариб берди. Омонат эгаси халтачани очиб, мис тангаларни кўрғач, ҳайрон бўлиб дўстидан:

— Халта ичидаги олтинларим қани? — деб сўраганиди, дўсти инкор қилиб: «Халтачага нима солиб қўйган бўлсанг, шундай турибди, қараб кўр, босган муҳринг ҳам бузилмаган, тагин нима даъво қилсанг», — деди. Омонат эгаси халтачани олиб шаҳар қозисининг хузурига бориб воқеани баён қилди. Қози жуда ақлли ва тadbирли одам эди. У дарҳол хийнатчи дўстини чақириб, омонат эгасининг шикоятини айтди. Хийнатчи дўст инкор этишда давом қилди.

— Омонат қўйганимга неча йил бўлди? — деб сўраган эди, у киши омонат қилиб топширганига ўн йил бўлганини айтди.

Қози ҳамма тангаларнинг зарб қилинган йилларига кўз ташлади. Тангаларнинг босилганига икки-уч йилдан ортиқ бўлмаган эди. Қози хийнатчи дўстга тангаларнинг зарб қилинган йилларини кўрсатган эди, у шарманда бўлиб, қилган айбини тан олди. Tadbирли, фаросатли қози олтинларни хийнатчидан олиб эгасига топширди.

Қозининг буйруғи билан хийнатчини эшакка тескари миндирдилар. «Омонатга хийнат қилган кишининг жазоси шундай бўлади?» деб қичқириб, шаҳар, кўча ва бозорларни айлантирдилар.

Солиқ тўловчининг қандай мажбуриятлари бор?

Нодир Алимов,
Тошкент вилояти, Пискент тумани

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИДАЯМ ҲУҚУҚ БОР

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳақида маълумот берсангиз?

Нодир Алимов,
Тошкент вилояти, Пискент тумани

Лобар АЗАМАТОВА, Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси, ахборот хизмати бош мутахассиси:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 32-моддасига кўра солиқ тўловчиларнинг қуйидаги мажбуриятлари бор:

- ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши;

- давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши;

- солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши;

- давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек, мазкур органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-моддасига кўра солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш;

- ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари ҳамда бошқа ваколатли органлардаги мавжуд маълумотларни олиш;

- солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки ўз вакили орқали ифода этиши;

- Солиқ кодексига, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш;

- солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга олиш ёки

Сўранг, жавоб берамиз

қайтариб олиш;

- солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустиқл равишда тузатиш;

- солиқ текширувлари материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш;

- солиқ текширувларини амалга ошираётган давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бажаришга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

- давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушдан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

- давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қонунга хилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш.

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ифтихор СИДДИҚОВ тайёрлади.

ҚУРОҚ ГИЛАМЧА

ТЎҚИЙМИЗ

1. Аввал қуроқ ипни тайёрлаб оламиз. Агар сизда қуроқ ип бўлмаса, у ҳолда оддий ипдан қуроқ ип эшиб олишингиз мумкин. Тикув машинангизни зигзагли катта чокка ўрнатинг. Уни бурама чизикда айлантиришни бошланг, сўнг учма-уч тўқишга ҳаракат қилинг. Бурама чизик текис, ётиқ ҳолда бўлиши керак.




Бурама чизикка биринчи ўрамни ўраш бир оз қийин бўлади. Иш осонроқ кечиши учун унинг марказий қисмини қарама-қарши томонга чокланг.



2. Ўлчамли ликобчага тенг бўлган думалоқ гиламча тўқинг. Ҳар хил ўлчамдаги гиламчалардан 8-10 тасини тикишингиз керак бўлади.

3. Гиламчалар айлана бўлиши шарт эмас, улар учбурчак ёки тўртбурчак шаклда бўлиши ҳам мумкин.



4. Гиламчаларни исталган тартибда қўйиб, тўғноғич ёки ёпиштиригич ёрдамида бирлаштириб чиқинг.



5. Гиламларни таштанг томонини тикув машинасида тикиб қўйинг. Уларнинг қалинроқ бўлиши учун ўрамларни бир неча маротаба тўқиганингиз маъқул.



6. Гиламчани ўгириб шойи томонини тепага қаратиб қўйинг. Маркер ёрдамида думалоқчаларнинг

Оила устахонаси

контурларини белгилаб чиқинг.

7. Шойи матони гиламчага мос тарзда кесиб олиб, уни елимлаб бирлаштириб чиқинг.



Қарабсизки, ёрқин гиламчалар тайёр.

Ширинхон МЎМИНОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ер кадастри бўлими томонидан Ибрагимов Абдихалил Абдивасидович номига берилган уй ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Ҳошимов Абдўхалил Холбоевич номига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Гузал кўчаси 33 хонадонга берилган уй ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

"FORTIS STAR GOLD" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 5 823 781 665 сўм миқдоридан, 5 991 000 миқдоридага камайтирилмоқда.

Мурожаат учун телефон:
(91) 135-99-88, (91) 135- 99-33

СОҚОЛ ҚИРТИШЛАШДА НИМАГА ЭЪТИБОР БЕРИШ ЛОЗИМ?

Баъзи эркаклар учун соқол қиртишлаш ёқимсиз туюлади. Дерматологларнинг фикрича, бунда ҳам юз терисига зиён етказмаслик учун зарур қоидаларга риоя қилиш, махсус косметика воситаларидан фойдаланиш ҳам муҳим.

Тошкент шаҳар туманларо 8-сон тери-таносил касалликлари диспансери шифокори, дерматовенеролог Соҳибжон РЎЗИМАТОВ:

– Эркаклар териси дағал, аёлларникига нисбатан 20 фоизга қалинроқ ва катакчалари ҳам кўпроқ бўлади. Шу боис эркакларда тери қариши кечроқ бошланади ва у қадар яққол сезилмайди. Бундан ташқари, эркаклар териси ёғлироқ, у аёллар терисига қараганда кўпроқ ёғ ишлаб чиқаради.

Эрталаб уйқудан уйғонгач, аввало, соқол қиртишлаш, ундай кейин эса ювиниш керак. Чунки бу вақтда қон томирлари ҳали тўлиқ уйғонмаган ва таранг тортилиб турган бўлади. Шу боис терида ноҳус ҳислар пайдо бўлиши эҳтимолли анча камайди. Соқол қиртишладан аввал юз терисини махсус гел ёки кўпик билан тозалаш (ёғ ва жонсиз тўқималарни кетказиш) зарур бўлади. Бу жараёнда фақат илқ сувдан фойдаланиш тавсия этилади. Юзни яхшилаб ювиб бўлгач, соқол олиш во-



Оила шифокори



ситасини суртгач, у бир-икки дақиқа туриши лозим. Қиртишлаш учун оддий бошлаб, кейин бўйин ва энгакка ўтиш, энг охирида эса мўйловга эътиборни қаратиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Замонавий эркакларнинг аксарият қисми соқол қиртишлаш учун оддий устарадан фойдаланишади. Мазкур усталарнинг 90 фоизи юз терисига салбий таъсир кўрсатади, уни жараҳатлайди ва ноҳус ҳислар уйғотади. Аслида, соқол олиш учун бир марталик усталардан фойдаланиш ва тез-тез янгилаб туриш тавсия этилади. Бугун оддий атир ўрнига таркибда терини тўйинтирувчи, тинчлантирувчи, юмшатувчи ва тез сингувчи воситалар мавжуд бўлган махсус крем, бальзам ёки лосьонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иложи борича терини зарарламайдиган, таркибда спирти камроқ, витамин А ва Ега бой воситалар бўлиши даркор.



Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ОНА КЎНГЛИ

Онам – бебаҳо давлатим



Қош қорайгани сайин Баҳринисо момонинг безовталиги ортади. Тиқ этган товушни эшитса, сергакланиб эшикка термиллади: “Машойхлар, онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деб бекорга айтишмаган. Асқар қурмагур шунақа кеч қоларкан, айтиб кетса бўлмасмиди-я”. Ўзини ҳовлидаги юмушлар билан чалғитишга ҳарчанд уринмасин, момонинг кўнгли алагда бўлаверади. Келинининг юз-кўзларига киши билмас синчков разм салади. Уни хотиржам кўрса, “кечроқ бораман, деб теллон қилиб кўйгандир-да, бўлмаса саксон марта дарвозадан мўраларди”, деган ўйда кўнгли бироз жойига тушади.

Илгари ўғли ишдан чиқиб, дарров уйга етиб келарди. Шу машинани олди-ю, “бироз тирикчилик қилай”, деб ярим кечагача кўчада санқийдиган бўлди. Баҳринисо момо бир-икки марта: “Болам, тирикчилигинг ўтмай қоляптими, эртароқ келсанг, мен ҳам тинчгина ўтирдим”, деди-ю, ўғлидан гап эшитиб олди: “Онам-ей, ҳадеб хавотирланаверманг-да, нима, мен ёш боламидим?!” Ўғлининг дағал жавобидан кўнгли қаварди. Дами ичига тушди. “Сен-ку ёш боламассан, аммо нима қилай, мен онаман-да”, деган ўйда синиққина жилмайди. Чоли раҳматли: “Мендан кейин ўғлинг дағалроқ гапирса кўнглинг олмагин”, деган эди. Ушанда касал бўлиб, тўшакка миҳланиб ётган чолини: “Мўмингина боламдан айб топполмай, ўлимнингиздан кейин бўладиган ишлардан фол очяйсизми, инжиқ чол”, деб жеркиб берганди.

Чоли ҳақ экан. Ундан кейин на ўғли ва на қизига юрак ютиб тик гапиролмай қолди. Кексалигини, ваҳимачилигини юзига солишади. Чарс-чурс қилиб дилини қавартиришади. Шундай кезларда чоли раҳматлининг хотирасига суянади. Унинг гаплари бирма-бир қулоғи остида жаранглайверади. “Тўғри айтган экан, ҳамма нарсани олдиндан кўриб-билгандай гапириб кетган экан”, деган ўйда мунгайди. Вақтида чолининг кадрига етмаганини, ҳа деганда жеркиниб, силтаниб, уришиб ташлаганларини эсласа, уятдан, афсус-надоматдан терисининг бир қавати шилиниб тушгандай бўлади.

Мана кечки овқат маҳали ҳам ўтди. Неvarаси олиб кирган бир коса мошўрданинг ярмини томоғи тирналиб, зўрга ичди. Икки кўзи дарвозада. “Даданг аянга теллон қимадимикан?” деб ўсмоқчилаб сўради. Қўлидаги

телефонга тикилиб ўтирган неvarаси “билмасам”, дея бепарво елкасини учирди. Момо яна ўзича гапиринди: “Кеч келишини айтиб кўйгандир, бўмасам аянг ҳам хавотирланарди”.

Болалар тинчиб қолишди. Телевизор ўчди. Ҳовлида куймаланиб юрган келинининг қадам товушлари ҳам тинди. Ўғлидан эса дарак йўқ. Баҳринисо момо уч-тўрт марта дарвоза ёнига борди. Эшикни очиб кўчага мўралади. Ҳеч ким йўқ. “Келинга теллон қил-чи, қайда юрибдидикан”, десаммикан деган ўйда тараддудланиб ўғлининг айвони ёнига икки марта бориб келди. “Келин теллон қилса, нимага мени тергайсан, деб бақириб юрмасин тагин. Она кутиш учун яралган, майли кутаман, кеб қолар...”

Момонинг уйқуси ўчди. “Болам ишдан келганда дарров кўзим тушади”, деб кароватини атайлаб дераза ёнига кўйдирган. Хонанинг чирогини ўчириб, тирсагини дераза раҳига тираганча ҳовлига термилиб ўтираверди. Соат ўн бирга яқинлашди. Қулоғига машина товуши эшитилди. Сергак тортиб дарвоза тарафга мўралади. Ўғли экан. Эшик очилиб, машинасини ичкарига киргизди. Онанинг юраги энтиқди: Ҳозир ёнимга келиб, яхши ўтирибсизми, она, деб сўрайди. Эгилиб елкасини тутди. Сўрашиб, пешонасидан ўптам. Чироқни ёқиб юз-кўзимга термиллади. Сираям хавотирланмаган одамдек унга кулиб қарайман. Мени кутмай ухлайверинг десам сира гапимга кирмайсиз-да, дейди меҳри товланиб. Кейин эса жуда чарчадим, энди сиз ҳам ухланг,

деб кўлини кўксига кўйиб уйига кириб кетади...

Асқар ишдан келганда ҳар куни бир хил ҳолат тақрорланади. Аммо шу нарса ҳар куни онанинг кўнглига янги, ёқимли бир тафт беради. Туни билан ўғлини алқайди, дуо қилади. Баҳринисо момо машинаси эшигини очиб ёпаётган ўғлига қараб ширин жилмайди.

Асқар машинасидан қора целлофан пакетда ниманидир олди-да, онасининг деразаси тарафга кўз ташлади. Мени кузатяпти, демасин дея она тезда паналади ва шу алфозда боласини кута бошлади. Асқар яқинлашди. Шу тобда нима кўтариб келгани эмас, шунчаки ўғлининг тафтини ҳис этиш қувончи она кўнглини чулғаб олганди. Ўғли негадир кўлидаги қора пакетни яшир-гадек нариги кўлтигига қистирди ва онасининг уйига ўғринча назар ташлаб, беш-олти қадам наридан оҳиста-оҳиста юриб, ўз уйига ўтиб кетди... Унинг изидан кабобининг ёқимли иси момонинг димоғига урилди. Ҳар сафар ярим тунда келганда ҳам аввал онаси билан сўрашадиган ўғил, бу гап унинг эшигини четлаб ўтди...

“Шу икки сиҳгина кабобни деб, мен билан сўрашмай ўтди-я”, деган ўйда Баҳринисо момонинг ичидан нимадир узилиб кетгандек бўлди. “Балки юз-кўлини чайиб кейин олдимга кирар...” Узини ҳарчанд овутишга уринмасин ичидан бир алам бўзгини куйдириб келаверди. Қулоғи остида тагин чолининг сўзлари жаранглади: “Бир кун келиб, боланг сендан яшириб, деразанг тагиндан хотинига бирор нарса олиб ўтса, ундан хафа бўлма... Оғринма! Шундай

ҳолат бўлса боламдан ранжимайман, деб менга ваъда бер.”

Икки йилча бетоб ётган чоли айниқса, охириги пайтларда жуда ялинчоқ бўлиб қолганди. Баҳринисо момо эса ҳадеганда уни уришиб, жеркиб гапирарди. “Нима қилайлик, шу дард ҳам пешонамизда бор экан-да. Мендан ҳар қанча оғринсанг оғринавер, фақат болаларимдан хафа бўлма”, дерди раҳматли.

Баҳринисо момо ўшанда у шунчаки инжиқлик қилаяпти, гап йўғида ўзича бир нималарни ўйлаб топяпти, деган ўйда эди. Шуларни эсларкан момонинг томоғига бир нима тикилгандек бўлди. “Оталар оналардан кўра болаларига гамхўрроқ бўлишаркан-да, бир кун келиб, болам ножўя иш қилса, онасининг дили оғримасин, шу оғриқ боламнинг ҳаётига соя солмасин”, деб чоли шу кунларни кўргандек, шу кўнгилсизликни олдиндан сезгандек тадбир қўллаб кетган экан...

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, келиннинг эшиги очилди. Асқар айвонга чиқиб томоқ қирди. Сўнг битта-битта қадам босиб онасининг уйи томонга қараб кела бошлади. Баҳринисо момо селдан кейин тинган дарёдек сокин бир кайфиятда эди. Боласи билан бўладиган учрашув энди негадир унчалик ёқимли туюлмаётганди. Асқар хонага кириб келди. Чироқни ёқди. “Уйғоқмисиз, она”, деди меҳри товушда. Узини ухлаганга солиб ётган Баҳринисо момо кўзини очди. Асқар жилмайди. Эгилиб елкасини тутди.

– Яхши ўтирибсизми, она?
– Болам, эсон-омон келдингми?
Ўғлининг елкасига қоқиб сўрашди. Пешонасидан ўпди. Сираям хавотирланмаган одамдек унга кулиб қарайди.

– Яна мени кутиб ўтирган экансиз-да, – деди ўғли меҳри товланиб. – Жуда чарчадим. Кўчада овқатланишга вақтим бўлмади. Уч-тўрт сих кабоб ола келдим. Уйқунгиз қочган бўлса, юринг, чой ичамиз.

Шу бир оғиз гап онанинг кўнглини эгаллаб турган муздек аразни эритиб юборди.

– Сен бемалол овқатлан, болам. Мен ухлайман.

Асқар онасининг елкасидан тутиб, авайлабгина жойига ётқизди. Устига кўрасини тортиб, елкасини ўраб қўйди. Яна янги, ёқимли бир тафт ичини ёритган она: “Меҳрибонлиги отасидан ўтган-да”, деган ўйда ўғлига миннатдор бир нигоҳ билан термилди.

Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА

БОЛАНИНГ БОЛАЛИГИНИ АСРАНГ!

Уйимда меҳмонлар учун алоҳида хона йўқ. Унинг ҳамма жойи ўзимизники. Меҳмонга деб болаларимдан ширинликларни бекитиб қўймайман. Энг яхши егуликларни ўзимиз еймиз. Меҳмон келса ўзимиз еган ноз-неъматлардан уларнинг ҳам олдига қўямиз. Кимдир келганда уйим тўзиб ётган бўлса, “вой, хижолат бўлдим”, демайман. Меҳмон уйимни эмас, мени кўргани келади – мени яхши кўрганлар, мен яхши кўрганлар. Шунинг учун “Уйни тўзгитманг!” дея болаларимни коймайман. Биргаликда уй тўзгитамиз, биргаликда йиғиштирамиз. Бирор уй иши

болажонимнинг “Ойижон!” деган қақирғидан муҳим бўлмайди мен учун.

Ҳеч қачон катталар сўзлашаётганда орага қўшилиб, фикрини билдирган боламни коймайман. Аксинча, боламага парво қилмаган катталарга “Болажоним сизга гапиряпти!” деб танбех бераман.

Боламнинг бахти ва қувончдан аҳамиятли нарса йўқ мен учун. Шу сабаб хурсандчилигимга раҳна соладиган кишиларнинг гап-сўзларига парво қилмайман. Ўзимга ўхшаган инсонлар билан дўстлашаман.

Жунайд Суави

Қўшниларим, қариндош-уруғимнинг уйим ёки болаларим ҳақида нима деб уйлаши қизиқтирмайди мени. Одамлар учун шодлигингизни кемтик қилманг. “Фалончи нима дейди, писмадончи нима дейди”, “уй тўзгиди, устинг кир бўлади”, деб болаларингизни қувончидан айирманг!

Ҳаммаси ўрнига қайтади. Уй йиғиштирилади, меҳмон кетади, болаларингизнинг уст-боши ювилади. Орта қайтаришининг ҳеч имкони бўлмаган ягона нарса — болаларингизнинг БОЛАЛИГИДИР!..

Умида таржимаси

Оила ва жамият

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000. Амир Темури кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oila-va-jamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3667. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Бош навбатчи: У. Адизова
Навбатчи: И. Сиддиқов
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5